



journal homepage:

<https://www.supportscience.uz/index.php/ojss>

## XX АСР ОХИРИ XXI АСР БОШЛАРИДА ХОРИЖЛИК ТАДҚИҚОТЧИЛАР ТОМОНИДАН ҚИРГИЗ ХАЛҚИ ТАРИХИГА ОИД ИЛМИЙ НАШРЛАР

**C.Салимов**

йұқиту甫чи,

Тошкент давлат шарқшунослик университети

**Калит сүзлар:**  
 Қырғызстан, Үзбекистон, Тажикистан, Филип Паркер, Д.Лекада, Р.Готтемюллер.

**Аннотация:** Тадқық этилаётган “XX аср охирлари XXI аср бошларида қирғиз халқи тарихи тарихшунослиги” мавзуси орқали күрсатилған баҳсли масалалар ечимига илмий равишда жавоб излашга ҳаракат қилинади. XX аср охирлари XXI аср бошларида нашр қилингандай қирғиз халқи тарихига оид күплаб адабиёттар диссертацияга жалб қилинди. Улар мазмун-моҳиятига кўра таснифланиб, тизимли тарзда таҳлил қилинади. Шубҳасиз, танланган давр Қырғызстан тарихида кескин зиддиятларга бой давр бўлган. XX аср охири совет давлатининг заифлашуви, мустақилликнинг кўлга киритилиши, истиқлол йилларида мамлакатда юз берган ички низолар, сиёсий жараёнларнинг кескинлашиши каби вазиялар айнан Қырғызстан тарихида юз берди. Мазкур воқеалар илмий адабиёттар қай тарзда ёритилди, хорижлик тадқиқотчилар қандай муносабат билдириди? Мустақиллик йилларида қирғиз халқи ўз тарихини қандай ёзди? Юқоридаги барча саволларга ушбу диссертация орқали жавоб бериш режалаштирилган.

## SCIENTIFIC PUBLICATIONS ON THE HISTORY OF THE KYRGYZ PEOPLE BY FOREIGN RESEARCHERS OF THE LATE 20TH AND EARLY 21ST CENTURIES

**S.Salimov**

teacher,

Tashkent State University of Oriental Studies,

**Key words:** Kyrgyzstan, Uzbekistan, Tajikistan, Philip Parker, D.Lekada, R. Gottemoeller.

**Abstract:** An attempt is made to find a scientific answer to the solution of the problems, which is shown through the theme "Historiography of the history of the Kyrgyz people in the late 20th and early 21st centuries". The dissertation involved a lot of literature on the history of the Kyrgyz people, published at the end of the 20th century at the beginning of the 21st century. They are classified according to their content and systematically analyzed. It is obvious that the chosen period was a period in the history of Kyrgyzstan, rich in sharp contradictions. It was in the history of Kyrgyzstan that such events took place as the weakening of the Soviet state at the end of the 20th century, the introduction of independence into the lake, internal conflicts in the country during the years of independence, and the aggravation of political processes. How were these events covered in the scientific literature, how did foreign researchers react? How did the Kyrgyz people write their history during the years of independence? It is planned to answer all the above questions with the help of this dissertation.

## НАУЧНЫЕ ПУБЛИКАЦИИ ПО ИСТОРИИ КЫРГЫЗСКОГО НАРОДА ЗАРУБЕЖНЫХ ИССЛЕДОВАТЕЛЕЙ КОНЦА 20-ГО И НАЧАЛА 21-ГО ВЕКОВ

**С.Салимов**

преподаватель,

Ташкентский государственный университет востоковедения

**Ключевые слова:**  
Кыргызстан, Узбекистан, Таджикистан, Филип Паркер, Д.Лекада, Р.Готтемюллер

**Аннотация:** Предпринята попытка поиска научного ответа на решение проблем, что показано через тему "Историография истории кыргызского народа в конце 20-го и начале 21-го веков". В диссертации было задействовано много литературы по истории кыргызского народа, опубликованной в конце 20-го века в начале 21-го века. Они классифицируются в соответствии с их содержанием и систематически анализируются. Очевидно, что выбранный период был периодом в истории Кыргызстана, богатым острыми противоречиями. Именно в истории Кыргызстана имели место такие события, как ослабление советского государства в конце 20 века, введение независимости в озеро, внутренние конфликты в стране за годы независимости, обострение политических процессов. Каким образом эти события освещались в научной литературе, как отреагировали зарубежные исследователи? Как кыргызский народ писал свою историю в годы независимости? Планируется ответить на все вышеперечисленные вопросы с помощью этой диссертации.

## КИРИШ

Рафиз Абазов “Қирғизистон тарихининг изоҳли луғати” номли китобида таъкидлаганидек, XX асрнинг охирги декадасида Қирғизистон ҳақида хорижлик олимлар ёза бошлаган. Яъни, 90 йилларнинг бошларда қирғиз архивларига кириш имконияти туғилган. Хорижлик олимлар қирғиз ҳалқининг турли қирраларини ўргана бошлаган. Дастлаб этногофик мақсадларда ёзилган ишларни таҳлил қиласиз. 1992 йил Сергей Полиаков ва Марта Брил Олкот каби олимлар Марказий Осиё ҳалқларининг турмуш тарзи, яшаш шароитини акс эттирган ишларини эълон қилди. Бу тадқиқот янги архив маълумотлари билан бойитилган ҳолда эди<sup>1</sup>. Тадқиқотнинг асосий қисми қирғиз ҳалқига бағишлангани билан аҳамиятли. 1997 йил чоп қилинган “Дунёнинг этник маданияти” китобда Филип Паркер дунёнинг кўплаб давлатлари ҳақида маълумот берган. Шулар қатори Қирғизистоннинг ҳам миллий маданияти, табиий бойликлари ва демографик ҳолати учун алоҳида параграф қолдирган. Ж.Олсон ва С. Николаслар Марказий Осиё ҳалқларининг этник шаклланишига оид ишларни эълон қилиб, қирғиз ҳалқининг ҳаёт тарзи, келиб чиқишига оид тадқиқотларини эълон қилган<sup>2</sup>. 1996 йил Д.Лекада, Р.Готтемюллар ва бошқалар эса СССРдан мустақилликни қўлга киритган давлатларда этник низолар келиб чиқиши мумкинлиги ҳақида дастлабки фаразларни нашр эттирган<sup>3</sup>. Айнан мазкур ишнинг давоми сифатида 2002 йил Бен Фовкеснинг “Собиқ коммунист дунёдаги этник низолар” номли иши эълон қилинди<sup>4</sup>. Илмий ишда СССРдан мустақиллигини қўлга киритган мамлакатлардаги юз берайтган этник низолар ва келажакда содир бўлиши мумкин бўлганлари ҳақида огоҳлантирилди. Тадқиқотда Қирғизистон худудида ҳам этник таранглик пайдо бўлаётгани ҳақида маълумотлар мавжуд. Чунки, бу пайтда Ўзбекистон, Тоҷикистон худудларида ўзаро миллий тўқнашувлар бўлиб ўтган эди. Хорижлик тадқиқотчиларнинг аксарият қисми 2010 йил воқеаларидан кейин қирғиз ҳалқи тарихи ва уларнинг келиб чиқиши каби масалаларга жиддий эътибор бера бошлади. 2010 йилги Қирғизистон жанубидаги тўстўполонлардан кейин қирғизлар этногенезини ўрганишга оид хорижий тадқиқотчилар бир қанча ишлар эълон қилди. Ҳусусан, Буюк британиялик Ник Мегоран<sup>5</sup> асли сиёсий географ бўлган мазкур тадқиқотчи Қирғизистондаги миллатчилик учун асос бўлган “омилларни” кўрсатиб беришга харакат қилди. Инглиз тадқиқотчиларидан бири А.Матвеева<sup>6</sup> ҳам Қирғизистондаги низоларнинг келиб чиқиш асослари, ҳалқнинг этник тарихга бағишланган илмий ишини эълон қилган. Бирин-кетин Д. Редфорд<sup>7</sup>, С.Р. Робертс<sup>8</sup> ва шунга ўхшаш кўплаб ғарб арбоблари қирғиз-ўзбек низоси туфайли уларнинг этногенези ва этник тарихини ўз қарашлари асосида ёритиб беришган. Радниз Скотнинг ҳам мазкур масалаларга оид тадқиқоти мавжуд<sup>9</sup>. Аммо, юқорида келтирилган ишларнинг кўпчилиги чукур илмий таҳлилга асосланмаган. Уларда икки ҳалқнинг асл илдизларини билмаслик кўринган. Қайсиdir томонни оқлашга уришлар кузатилади.

<sup>1</sup> Sergei P. Poliakov, Martha Brill Olcott, Anthony Olcott; M. E. Sharpe. *Everyday Islam: Religion and Tradition in Rural Central Asia*. 1992.

<sup>2</sup> An Ethnohistorical Dictionary of the Russian and Soviet Empires Book by James S. Olson, Lee Brigance Pappas, Nicholas C. J. Pappas; Greenwood Press, 1994.

<sup>3</sup> Leokadia Drobizheva, Rose Gottemoeller, Catherine McArdle Kelleher, Lee Walker, M. E. Sharpe. *Ethnic Conflict in the Post-Soviet World: Case Studies and Analysis*. 1996.

<sup>4</sup> Ben Fowkes. *Etnicity and Ethnic Conflict in the Post-Communist World*. Palgrave. 2002.

<sup>5</sup> Nick Megoran. *Averting Violence in Kyrgyzstan: Understanding and Responding to Nationalism*. NewCastle. 2012. –P.35.

<sup>6</sup> Matveeva A. *Kyrgyzstan in Crisis: permanent revolution and the curse of nationalism*. London, 2010, –P.35.

<sup>7</sup> Redford D. God created me Kyrgyz –challenging normative constructs of ethnic identity in post-socialist Kyrgyzstan. London, 2010. –P.123.

<sup>8</sup> Roberts R. S. What's ethnicity: healing the wounds of Uzbek-Kyrgyz violence in the Ferghana valley. The George Washington University, 2011, -p. 61.

<sup>9</sup> Radnitz Scott. "What Really Happened in Kyrgyzstan?". *Journal of Democracy*. 17: 132–146 – via Project Muse. 2006.

Масаланинг асл илдизига эса етиб борилмаган. Шу билан бирга хорижлик олимлар қирғиз халқининг маданияти борасида ҳам атрофлича ишлар олиб борган. Хусусан, Владимир Луконин ва Анатолий Ивановлар Ўрта Осиё халқ санъати бўйича тадқиқот олиб борган<sup>10</sup>. Қирғизларнинг туар жойлари, қўшиқчилик санъати ва баҳшичилик санъати ҳақида маълумот берилган. Бенжамин Флеминг ва Ричард Манлар эса қирғиз халқининг дини, диний урф-одатларини ўргангандан<sup>11</sup>. Бу тадқиқотлар умумий маълумот бериш характерига эга.

### МУҲОКАМА

Қирғизистонинг тарихи, сиёсий тузуми сингари жиҳатлар ҳам хорижлий тадқиқотчилар эътиборидан четда қолмаган. Қирғизларнинг сиёсий тарихи, мусақилликдан кейин бўлаётган ўзгаришлар ҳақида дастлабки тадқиқот муаллифи М.Манделбом ҳисобланади. У 1994 йил “Марказий Осиё ва дунё” номли китоби орқали Марказий Осиёдаги бешта давлатнинг мустақиллик йилларида дунё ҳамжамиятига очилаётганлиги акс этган<sup>12</sup>. Марказий Осиё халқлари жумладан қирғиз халқининг энг қадимги даврдан токи ҳозирги кунга қадар тарихи “Марказий Осиё цивилизациялари тарихи” номли ўн томлик китобда акс этган<sup>13</sup>. Қирғизистон ҳудудидаги тарихий, археологик жойлар масаласи Ноблач Эдгар тадқиқотида баён қилинди<sup>14</sup>.

Қирғизистонда бўлаётган сиёсий таранглик, бошбошдоқликлар борасида ҳам талайгина ишлар яратилди. Хусусан, Жон Андерсон Қирғизистонни “демократия оролига” қиёслаган тадқиқоти орқали Марказий Осиёдаги энг нотинч мамлакат Қирғизистон бўлса-да, бу давлатда инсон хукуқлари аъло даражада таъминланаётганини қайд қилди. Яъни, Марказий Осиё давлатларининг ҳеч қайсиси қирғиз халқидек ўз ҳак-хукуқлари учун курашмаётганига афсусланганини кўриш мумкин<sup>15</sup>. Ҳудди шу мавзуни Ҳокирк Питер<sup>16</sup>, Ҳоский Ежин<sup>17</sup>, Лонг Паулин<sup>18</sup>, Рой Оливер<sup>19</sup>, Вайл Жамес<sup>20</sup>, Плингтон Жон<sup>21</sup>, Коинг Маттиз<sup>22</sup>лар маълум жиҳатларини тадқиқ қилган.

Марказий Осиё халқлари тарихини анчадан бўён тадқиқ қилиб келаётган Жеф Саҳедо ўзбеклар, қирғизлар, қозоқлар, тожиклар ва туркманларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид кўплаб нашрларни амалга оширган<sup>2324</sup>. У ҳозирги кунда “Institute of European,

<sup>10</sup> Vladimir Lukonin, Anatoly Ivanov. “Central Asian Art” Parkstone International. 2012.

<sup>11</sup> Benjamin Fleming, Richard Mann. Material Culture and Asian Religions. P.42. Routledge, Mar 26, 2014.

<sup>12</sup> Mandelbaum Michael (ed.). Central Asia and The World: Kazakhstan, Kyrgyzstan, Tajikistan, Turkmenistan and Uzbekistan. New York: Council on Foreign Relations Press, 1994

<sup>13</sup> Bosworth C. E. and the late Asimov M. S. History of Civilizations of Central Asia. Volume IV. Published in 2000 by the United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization 7 place de Fontenoy, 75352 Paris 07 SP.

<sup>14</sup> Knobloch Edgar. Monuments of Central Asia: A Guide to the Archaeology, Art and Architecture of Turkestan. London: I.B. Tauris, 2001.

<sup>15</sup> Anderson John. Kyrgyzstan, Central Asia’s Island of Democracy? Amsterdam: Harwood Academic Publishers. 1999.

<sup>16</sup> Hopkirk Peter. The Great Game: The Struggle for Empire in Central Asia. New York: Kodansha International, 1992.

<sup>17</sup> Huskey Eugene. “The Rise of Contested Politics in Central Asia: Elections in Kyrgyzstan, 1989–1990.” Europe-Asia Studies, vol. 47, no. 5 (1995): 813–834.

<sup>18</sup> Luong Pauline Jones. Institutional Change and Political Continuity in Post-Soviet Central Asia: Power, Perceptions, and Pacts. Cambridge: Cambridge University Press, 2002.

<sup>19</sup> Roy Oliver. The New Central Asia: The Creation of Nations. New York: New York University Press, 2000.

<sup>20</sup> Wile James M. “A Literacy Lesson in Democracy Education.” The Social Studies, vol. 91, no. 4 (July 2000): 170–178.

<sup>21</sup> Pilkington John. “Kyrgyzstan: A Tale of Two Journeys.” Geographical Magazine, 65. 1993: 8–12.

<sup>22</sup> Koenig, Matthias. “Social Conditions for the Implementation of Linguistic Human Rights through Multicultural Policies: The Case of the Kyrgyz Republic.” Current Issues in Language and Society, vol. 6, no. 1 (1999): 57–84.

“Russian, and Eurasian Studies” номли тадқиқот маркази директори ҳисобланади. 2015 йил Жеф Сахедо “Global Centre for Pluralism” журналида “Тарих ва хотира. Плюрализмга оид тушунчалар. Қирғизистон ва Фарғона водийси” номли мақоласини эълон қилган<sup>25</sup>. Ушбу мақола Россия империяси парчалангандан сўнг Фарғона ва Қирғизистонда юз берган воқеаларга бағишиланган. Мақолада Россияни олиб борган сиёсати танқид қилинган. Яъни, қирғиз ва ўзбек халқлари ёнма-ён яшаб келганлиги, уларда ҳеч қандай жанжаллар бўлмаганлигига ургу берилган. Аммо, СССР парчалангандагач улар яратиб кетган низо, адоват ўз натижасини бериб ҳар икки халқнинг ичига келишмовчилик оловини ёқсанлиги жиддий хатолардан бири эканлиги мазкур тадқиқотда таъкидланган. Қолаверса, Ўрта Осиё давлатлари ҳам мустақилликдан кейин тўғри келдан кетмаганлиги ҳақида ёзади: “Мустақилликдан кейин ўзбек, тоҷик, туркман, қозоқ ва қирғиз халқлари афсоналар асосида тарихни ёза бошлади. Ҳар бир халқ ўз тарихини қадимий эканлигини кўрсатишга урина бошлади. Тарихнинг кўплаб фактлари соҳталаштирилиб, ўз манфаати йўлида ишлатила бошланди. Бу миллатлар ўртасида ҳам адоват уруғини соча бошлади. Секинлик билан бир халқ сифатида яшаб келаётган халқлар бир-бирига рақиб бўла бошлади. Ўш воқеалари бунга ёрқин мисол. Бу уруш олови руслар кетаётганда ташаб кетган чўғлардан ҳосил бўлди. Баъзи кучлар унга шамол бериб турди”. Муаллиф тадқиқот сўнггида қирғиз ва ўзбек халқларини ҳамжихат бўлиб яшашга чақирган. Шимолий Кавказ ва Югославия халқларидан ўрнак олишга чақирган.

2014 йил Александр Купата “Қирғизистон-виртуал наркотик давлатми” номли мақоласини “International Journal of Drug Policy” журналида эълон қилди. Мақоланинг асосий мазмуни қирғиз халқидан ўтказилган сўровнома асосида тайёрланган. Унда шундай деяилади: “Сўнгги 20 йил ичиди Марказий Осиёда гиёхванд моддалар савдоси ҳақида кўплаб афсона пайдо бўлди. Марказий Осиё мамлакатларининг муаммолари ва хуқуқни муҳофаза қилиш тузилмалари ҳақида ёзадиган таҳлилчилар кўпинча савдо кўлами, иштирок етувчи турли гуруҳлар ва сиёсатда гиёхванд моддалар билан боғлиқ пулларнинг роли ҳақида тўлиқ ва аниқ маълумотга ега емаслар. Умуман олганда, иккита асосий фикр мавжуд: биринчиси, Қирғизистонни виртуал наркотик давлат деб ҳисоблайди. Сиёсатчилар ва полициячиларнинг ҳам бунда иштироки борлиги ҳақида ёзишади; бошқалар эса давлат вакилларининг роли камлигини, контрабанданинг кўпроқ марказлизлаштирилган ва тартибсиз бўлгани ҳамда уюшган жиноятчилик гуруҳлари, радикал исломий ташкилотларнинг ролини таъкидлайди. 2012 йил январ-март ойларида олиб борилган сўровномалар асосида энг сўнгги хulosалар чиқарилган. Бу каби масалалар асл илди ҳақида гап боради”. Тадқиқотдан чиқарилган хulosага кўра наркотик моддалар савдосида давлат вакилларининг роли жуда камлигига ургу берилган. Наркотик моддалар асосан марказлашмаган ҳолда амалга оширилиши ҳақида ёзилган.

2019 йил Бурак Чалишкан “Ўзбекистон ва Қирғизистон чиқал чегара муаммоларига ечим топа оладими?” номли мақоласини эълон қилди<sup>26</sup>. Муаллифнинг ўзи “Humanitarian and social research center” номли тадқиқот маркази ходими ҳисобланади. Ушбу илмий

<sup>24</sup> Jeff Sahadeo. Everyday Life in Central Asia, Past and Present (coeditor, with Russell Zanca), (Indiana University Press, 2007.; “Conquest, Colonialism, and Nomadism on the Eurasian Steppe” (Review Essay) Kritika: Explorations in Russian and Eurasian History 4, no. 4 (Fall 2003): 942-54; “Russia and Central Asia: Does the Tail Wag the Dog?” In Russia after 2012: From Putin to Medvedev to Putin. Continuity, Change, or Revolution, ed. J. Larry Black and Michael Johns (Routledge, 2013), 167- 183.; “Without the Past There is No Future: Archives, Authority, and History in Uzbekistan” in Archive Stories: Facts, Fictions, and the Writing of History ed. Antoinette Burton.Duke University Press, 2005, 44-67.; “From a Colonial Community to Civil Conflict: The Russian City of Tashkent” Maulana Abul Kalam Azad Institute of Asian Studies Newsletter, v. 5 no. 1-2 (August 1998): 22-4

<sup>25</sup> Jeff Sahadeo. History and Memory: Implications for Pluralism in Kyrgyzstan and the Ferghana Valley//Global Centre for Pluralism. 2015. – P. 1-25.

<sup>26</sup> Çalışkan, Burak, “Complex Border Problems between Uzbekistan and Kyrgyzstan: Is There a Possible Solution?”, İNSAMER, 22.01.2019.

ишида М.Мирзиёев президентликка келгач Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги муносабатлар ижобий баҳоланган. Хусусан мақола қуидагиша бошланади: “Ўзбекистоннинг биринчи президенти Ислом Каримов ўлимидан сўнг 2016 йил декабр ойида ўтказилган сайловда ғолиб чиқсан Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон сиёсатида тезкор ва радикал қадамлар ташлашга ҳаракат қилди. У ески режим воз кечиб, ён қўшнилар ва халқаро ҳамжамият билан муносабатларини ривожлантиришга ҳаракат қилмоқда. Қирғизистон масаласида Мирзиёевнинг асосий муаммоларидан бири икки мамлакат ўртасида алоқа ва транспорт каби масалаларни яхшилаш билан бирга, ҳал қилинмаган чегара масалаларига ҳам ечим топишга ҳаракат қилмоқда. 2017 йилнинг сентябринда Ўзбекистон раҳбари Қирғизистонга расмий ташриф буюрди. Икки давлат раҳбарлари икки мамлакат ўртасида чегара ешикларини очишга келишиб олдилар. Каримов режимига барҳам берилди. Бошқа чегара масалалари бўйича ҳам қарорлар қабул қилинди. Йиллар давомида икки давлат ўртасидаги мураккаб чегаралар муаммолари қайсиdir маънода ечилигандек бўлди”. Мақолада қирғиз ва ўзбек халқларининг дўстона муносабатлари тарихи ҳақида фикр юритилган. Русларгача ҳам руслар даврида ҳам икки халқ ҳамжиҳат бўлиб яшаганлиги ҳақида мулоҳаза юритилган. Хулоса ўрнида эса муаллиф ҳар икки давлат мустаҳкам муносабатларни йўлга қўйиши кераклигига чақирган. Аччиқ ўтмишни унутиб, ўзбек ва қирғиз халқларининг яхши ҳаёти учун дўстона муносабатлар йўлга қўйилиши керак дейди, Бурак Чолишкан мақоласи сўнггида.

2019 йил “Марказий Осиё тадқиқотлари жамияти” вакили Жамес Пламтри<sup>27</sup> “Қирғиз достонларини таҳлил қилиш” номли тадқиқотни эълон қилди. Тадқиқотда қирғиз халқ достонларининг тарихи, унинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти каби масалалар ёритилган. Қолаверса, қирғизларда баҳшичилик қанчалик сақланган, уларнинг ижро услубида ўзгаришлар бўлганми каби саволларга ҳам мазкур тадқиқотда жавоб берилган.

## ХУЛОСА

XX аср охири XXI бошларида хорижлик тадқиқотчилар томонидан қирғиз халқи тарихига оид илмий нашрлар масаласини таҳлил қилишда шундай хуласага келинди:

- мустақиллик хорижлик олимларга ҳам тарихни ёзишда янги имкониятлар берди. Яъни, ёпиқ манбалар билан танишиш имконияти яратилди;
- улар қирғиз халқининг барча жиҳатларини ўрганишга ҳаракат қилди;
- 20 асрнинг охирларигача қирғиз халқининг ҳаёт тарзи, урф одатлари, моддий ва маънавий маданиятини ўрганиш кўпроқ қузатилади;
- 2010 йилдан кейин содир бўлган воқеалар сабабли қирғиз халқининг келиб чиқиши, низоларга сабаб бўлган омиллар борасида кўплар тадқиқотлар дунё юзини кўрди;
- Аммо, уларнинг аксарият ишларида мавзуни чукур ўрганмаслик, маҳаллий урф-одатларни тушунмаслик каби одатлар кўзга кўпроқ ташланади.

Демак, қирғиз халқи тарихи бўйича ёзилган энг янги хорижий адабиётларнинг тарихшунослик таҳлилини амалга ошириш бугунги кунда долзарб масалалардан биридир.

Зеро объективлик нуқтаи назаридан келиб чиқсан ҳолда, биз маълум бир мавзуда олиб борилаётган тадқиқотда манба ва адабиётларнинг даври ва ёзилган манзилига қараб туриб саралашимиз ва уларни қиёсий таҳлил этиб олинган маълумот асосида шахший хулоса беришимиз мақсадга мувофиқ саналади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

- 1.Mandelbaum Michael (ed.). Central Asia and The World: Kazakhstan, Kyrgyzstan, Tajikistan, Turkmenistan and Uzbekistan. New York: Council on Foreign Relations Press, 1994
- 2.Bosworth C. E. and the late Asimov M. S. History of Civilizations of Central Asia. Volume IV.

<sup>27</sup> James Plumtree. The analyzing kyrgyz narratives (akyn) research// Art & culture, epic literature, Kyrgyzstan, multi-media archives, research reports. 2019.

- Published in 2000 by the United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization 7 place de Fontenoy, 75352 Paris 07 SP.
- 3.Knobloch Edgar. Monuments of Central Asia: A Guide to the Archaeology, Art and Architecture of Turkestan. London: I.B. Tauris, 2001.
- 4.Anderson John. Kyrgyzstan, Central Asia's Island of Democracy? Amsterdam: Harwood Academic Publishers. 1999.
- 5.Hopkirk Peter. The Great Game: The Struggle for Empire in Central Asia. New York: Kodansha International, 1992.
- 6.Huskey Eugene. "The Rise of Contested Politics in Central Asia: Elections in Kyrgyzstan, 1989–1990." Europe-Asia Studies, vol. 47, no. 5 (1995): 813–834.
- 7.Luong Pauline Jones. Institutional Change and Political Continuity in Post-Soviet Central Asia: Power, Perceptions, and Pacts. Cambridge: Cambridge University Press, 2002.
- 8.Roy Oliver. The New Central Asia: The Creation of Nations. New York: New York University Press, 2000.
- 9.Nick Megoran. Averting Violence in Kyrgyzstan: Understanding and Responding to Nationalism. NewCastle. 2012. –P.35
10. Matveeva A. Kyrgyzstan in Crisis: permanent revolution and the curse of nationalism. London, 2010, –P.35.
- 11.Redford D. God created me Kyrgyz –challenging normative constructs of ethnic identity in post-socialist Kyrgyzstan. London, 2010. –P.123.
- 12.Roberts R. S. What's ethnicity: healing the wounds of Uzbek-Kyrgyz violence in the Ferghana valley. The George Washington University, 2011, -p. 61.
- 13.Radnitz Scott. "What Really Happened in Kyrgyzstan?". Journal of Democracy. 17: 132–146 – via Project Muse. 2006.
- 14.Vladimir Lukonin, Anatoly Ivanov. "Central Asian Art" Parkstone International. 2012.
- 15.Benjamin Fleming, Richard Mann. Material Culture and Asian Religions. P.42. Routledge, Mar 26, 2014.